



ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

gazeta@adolat.uz

www.adolat.uz

№ 39 (899)

2012-yil, 28-sentabr, juma

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР
КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА
АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН
ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқдол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хуналарни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»**

Курбонова Муҳаббат Жабборовна — Шеробод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Сейтимбетова Несебели Айтековна — Нукус политехника касб-хунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

Абдуллаева Тайифа Эргашевна — Наманган шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Жомуродов Қорғоди Самадович — Жондор туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Муҳаммадулова Улбўсин Эрбўтаевна — Зарбдор туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Давоми 3-бетда ➤



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Биринчи ўқитувчи...

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

Ҳар биримизнинг қўлимизга дафтар-қалам тутқазиб, хат-саводга ўргатган биринчи ўқитувчизни бир умр эслаб юрамиз. Биринчи ўстоз мактабдан кейин ҳам шогирдлари учун дўст-қадрдон, яқин маслаҳатчи бўлиб қолади, ундан сабоқ олган ўқувчилар эришаётган ютуқлар билан ҳамisha фахрланиб юради.

Ўстоз-мураббийлар шогирдларини нафақат хат-саводга, айтиб чоғда одоб-ахлоққа, юксак инсоний фазилатларга, ишда, турмуш чорраҳаларида учрайдиган муаммоларни оқилона ҳал қилишга, қийинчиликларни сабр-тоқат билан енгиб ўтишга ўргатади. Чинакам ўстоз шогирдлари илм-хунарда, танлаган касбиди

ўзидан ўтиб кетишини чин дилдан истайди.

Богбон яхши ниятда кўчат экиб, уни йиллар давомида парвариш қилади. Бир кун у мева тугиб, ҳосил берса, заҳматли меҳнатлари зое кетмаганидан кўнгли тоғдек кўтарилади. Худди шундай, ўстоз-мураббийлар ҳам шогирдлари камолини қуриб, уларни тўғри

тарбиялаганидан, турли нохуш йўللاردан, ғаразли ниятлардан сақлаганидан хурсанд бўлади. Донишмандлардан бири: "Мен умрим давомида дур-жавоҳир йиғмадим, бойлик орттирмадим, аммо булардан-да қимматли жавоҳирларим бор, улар — қобил шогирдларим", деган экан.

Давоми 6-бетда ➤



Депутатлик назорати

**демократик жараёнларни янги босқичга олиб чиқиш,
уларнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлашда
муҳим омил бўлмоқда**

Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида» ҳамда «Таълим муассаса-

ларида тиббий хизмат, дори-дармон ҳамда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишининг ҳолати ва бу масалалар бўйича Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар, уларни мақсадли ўзлаштириш аҳоли ҳақида»ги масалалар муҳокама этилди.

Давоми 2-бетда ➤

Улкан ютуқлар дебочаси

Муносабат

Кураш ҳамisha мардларни ўзига чорлаган адолат майдони бўлиб келган. Бу майдонда мудом ҳалоллик устувор бўлган, фирромликка йўл қўйилмаган. Балки шу сабабидир, ўзбек ёш болани алқоганида ҳамisha "Полвон бўлгин!" дея эзгу ният билдирган. Зеро, ўғил бола учун полвонлик, кураш тушиш жисмоний-маънавий соғломликнинг тимсоли бўлган. Ҳозир ҳам кўп ҳудудларимизга борганимизда тўй тантаналари шиддатли кураш мусобақалари билан янада қиройли ва миллий тус олаётганига гувоҳ бўламиз.

Агар бемисл хазинамиз — халқ оғзаки ижоди намуналарига қарасангиз ҳам эл суйган ижобий қаҳрамонлар, албатта, кураш тушганига, полвон номини оқлаб юрганига ишонч ҳосил қиласиз. Ахир Ҳакимбекни Алпомиш қилган унинг полвонлиги эмасми? Ёки қиз бола боши билан не не номард курашчиларни мағлуб этган Барчинойни эслайлик. Шу маънода кураш миллилатимиз маънавий қадриятларининг ажралмас таркибий қисмига айланган боқий ва ҳамisha замонавий қадриятимиздир.

Истиқлол йилларида юртимизда барча соҳалар сингари жисмоний тарбия, спорт тарққий этишига ҳам алоҳида

этибор қаратилди, бу борада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бундай ғам-хўрликнинг самараси эса тез орада ўзини кўрсатди: халқаро мусобақалар ўтаётган жаҳон ареналарида Ўзбекистон номи жаранглади, байроғимиз баланд кўтарилди, мадҳиямиз янгради.

Биз глобаллашув ва интеграциялашув даврида яшамоқдамиз. Бироқ бугунги кунимизда ҳам айнан спорт соҳасида эришилган муваффақиятлар ҳар қандай мамлакатни жуда қисқа муддат ичида, таъбир жоиз бўлса, кўз очиб-юмгунча бутун дунёга танитади.

Давоми 6-бетда ➤

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 20 йил

Ўзига, бошлаган адолатли ишига, танлаган йўлига, қўзлаган мақсадига ишончи мустаҳкам кишининг шижоатини ҳеч нарса тўса олмайди. Бу ишонч унга янги куч-ғайрат, матонат бахш этади, йўлида учрайдиган турли ғовларни ақл-идрок билан енгиб ўтади, орқасига асло қайтмайди.

Бунёдкорликка йўғрилган йиллар

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида халқимиз руҳиятида юз берган буюк уйғонишни шундай таърифлаш мумкин. Давлатимиз раҳбари бундан буюк уйғонни эски андозалар асосида яшаб бўлмаслигини, бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймаслигини, халқимиз бахтли-саодатли бўлишга, фаровон турмуш кечиришга ҳақли, бунинг учун барча соғлом кучларни бирлаштиришнинг аниқ-пухта режасини ишлаб чиқиш, ишни биринчи галда ҳаётимизнинг барча соҳаларида қатъий тартиб-интизом ўрнатишдан, раҳбар кадрларни жой-жойига тўғри қўйишдан, уларга нисбатан талабчанликни оширишдан бошлаш лозимлигини, ҳар бир киши ўз жойида ўзига топширилган ишни виждонан ва ҳалол бажариб, ташаббус

кўрсатиши зарурлигини қайта-қайта тақдорлаб, қўзлаган улғу манзил сари боришимиз учун айти шундай йўл тутишга даъват этгани бу ишончни янада мустаҳкамлади.

1992 йилнинг 8 декабрида мустақил мамлакатимизнинг Бош қонуни қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатнинг бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш деб белгиланди. Бу ғоя халқимизнинг азалий орзу-умидлари ҳамда бугунги бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунига тўла мос келади, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун муқаддас бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларни, ҳар бир кишига дахлдор ҳуқуқ ва бурчларни ўзида мужассам этади.

Давоми 4-бетда ➤

Муҳим масалалар муҳокамаси

Ижрокўм йиғилиши

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ижроия қўмита аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва партия фаоллари иштироки этган йиғилишда партия фаолиятига доир бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Давоми 2-бетда ➤

«ОБУНА — 2013»

**«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун
обуна бошланги!**

**Вақтида обуна бўлишни унутманг,
ана шунда газетани излаб овора бўлиб
юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга
ёки уйингизга кириб келади!
«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!**

Нашр кўрсаткичи 100.

Фаол фуқаролик позицияси

**ва уни мустаҳкамлаш «Ёш адолатчилар»дан
фаолликни талаб этади**



5-бет

Глобаллашув жараёнлари кетаётган бир даврда ғараз ниятли кучлар ўз мақсадларига эришиш учун кўплаб давлатларда ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшлардан қурол сифатида фойдаланаётгани, бу ҳолатлари бизни ҳам огоҳликка чорлаши керак.

Партия ҳаёти

Депутатлик назорати

демократик жараёнларни янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда

«Давом. Боши 1-бетда»

Унда фракция аъзолари, Молия, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Марказий банк ва тижорат банклари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги вакиллари, экспертлар, мутахассислар ва партия фаоллари иштирок этишди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари доирасида тизимли ва мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўсишнинг юқори суръатлари таъминланиши, ЯИМ ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, — деди Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари Ж.Қўчоров. — Пухта режага асосан аниқ мақсадни қўлаб амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ҳисобот даврида макроиқтисодий барқарорлиқни, банк-молия соҳаси барқарор ишлашини таъминлади. Бундай натижага, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатидан қайта жиҳозлаш, ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини

ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига эришилди. Натижада Давлат бюджетининг ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди, инқироз прогнозига назарда тутилган даражада сақлаб қолинди.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП иқтисодий соҳадаги фаолиятини, асосан, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга адолатли йўналишдаги иқтисодий бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини чуқурлаштиришга қаратади. Шу нуктаи назардан, фракция аъзолари Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросида кўпроқ унинг ижтимоий йўналишларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Эътиборлиси шундаки, Давлат бюджетининг ҳажратларининг 59,6 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Мажлисда эришилган натижалар билан бир қаторда бюджет маблағларидан нақд ҳисоботи бўйича қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳақидаги маълумотларни ҳам эътибор қаратилди.

— Ҳисобот даврида айрим қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳақидаги маълумотларни ҳам эътибор қаратилди. — деди фракция аъзоси А.Аҳадов. — Айрим бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатил-



маганлиги, бюджет ва тўлов интизоми бузилганлиги ҳоллари мавжуд. Маблағлардан нақд ҳисоботи бўйича қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳақидаги маълумотларни ҳам эътибор қаратилди. — деди фракция аъзоси А.Аҳадов. — Айрим бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатил-

маганлиги, бюджет ва тўлов интизоми бузилганлиги ҳоллари мавжуд. Маблағлардан нақд ҳисоботи бўйича қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳақидаги маълумотларни ҳам эътибор қаратилди. — деди фракция аъзоси А.Аҳадов. — Айрим бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатил-

маганлиги, бюджет ва тўлов интизоми бузилганлиги ҳоллари мавжуд. Маблағлардан нақд ҳисоботи бўйича қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳақидаги маълумотларни ҳам эътибор қаратилди. — деди фракция аъзоси А.Аҳадов. — Айрим бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатил-

маганлиги, бюджет ва тўлов интизоми бузилганлиги ҳоллари мавжуд. Маблағлардан нақд ҳисоботи бўйича қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳақидаги маълумотларни ҳам эътибор қаратилди. — деди фракция аъзоси А.Аҳадов. — Айрим бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатил-

ҳисоботни эшитиш, депутатлик назорати ва қонунда қўзда тутилган бошқа замонавий шаклларида кенг фойдаланиш демократик жараёнларни янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Таълим муассасаларида тиббий хизмат, дори-дармон ҳамда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишининг ҳолати ва бу масалалар бўйича Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, уларни мақсадли ўзлаштириш аҳоли ҳақидаги депутатлик сўрови шу жиҳатлари билан ҳам аҳамиятли бўлди.

— Кишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини қуришга марказлашган инвестициялар ҳисобидан 31,6 миллиард сўм маблағ йўналтирилди,

— деди «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Бош директори ўринбосари О.Аҳмедов. — Ўшбу тадбирлар натижасида республикада ҳисобот даври давомида 980,9 км ичимлик сув тизими фойдаланишга топширилди. Аҳолиялиси шундаки, шундан 865,0 км қишлоқ жойларида барпо этилди. Оқова сувларни тозалаш ишларида 4,8 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Мажлисда депутатлар ҳисобот даврида солиқни сақлашни ривожлантиришга ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 22,0 фоизи микдоридан маблағ йўналтирилганини алоҳида таъкидлашди. Бироқ текшириш ўтказилган айрим муассасаларда маблағлар мақсадсиз сарфланган ҳолатлар аниқланган. Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари М.Ҳожибековнинг таъкидлашича, аниқланган нақд ҳисоботи бўйича қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳақидаги маълумотларни ҳам эътибор қаратилди. — деди фракция аъзоси А.Аҳадов. — Айрим бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатил-

Мажлисда депутатлар ҳисобот даврида солиқни сақлашни ривожлантиришга ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 22,0 фоизи микдоридан маблағ йўналтирилганини алоҳида таъкидлашди. Бироқ текшириш ўтказилган айрим муассасаларда маблағлар мақсадсиз сарфланган ҳолатлар аниқланган. Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари М.Ҳожибековнинг таъкидлашича, аниқланган нақд ҳисоботи бўйича қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳақидаги маълумотларни ҳам эътибор қаратилди. — деди фракция аъзоси А.Аҳадов. — Айрим бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатил-

Мажлисда депутатлар ҳисобот даврида солиқни сақлашни ривожлантиришга ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 22,0 фоизи микдоридан маблағ йўналтирилганини алоҳида таъкидлашди. Бироқ текшириш ўтказилган айрим муассасаларда маблағлар мақсадсиз сарфланган ҳолатлар аниқланган. Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари М.Ҳожибековнинг таъкидлашича, аниқланган нақд ҳисоботи бўйича қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳақидаги маълумотларни ҳам эътибор қаратилди. — деди фракция аъзоси А.Аҳадов. — Айрим бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатил-

лантириш, уларни капитал таъмирлаш, компьютерлаштириш ва интернет тармоғига улаш, дори-дармон ва аҳолининг ичимлик суви билан таъминлашга ажратилган маблағлар ижросини назорат қилиш борасидаги масалаларни ўзлари сайланган округлар мисолида келтириб ўтишди.

Муҳокамада депутатлар Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тизимидаги муассасаларда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш борасида юзага келаятган қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар қўриш лозимлигини таъкидлашди. Хусусан, тизимдаги муассасалар ҳисобчиларининг малакасини ошириш ва қайта ўқитиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонликлари-ни ошириш, тегишли муассасалар раҳбарлари орасида тушунтуриш ишларини кучайтириш кераклиги айтилди.

Мажлис сўнгига баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда фракция аъзолари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» мухбири

Муҳим масалалар муҳокамаси

«Давом. Боши 1-бетда»

Дастлаб Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий партия ташкилотлари томонидан «Ўзбекистон Адолат СДП марказий ва маҳаллий органларининг ишлари фаоллаштириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда унинг ролини кучайтириш, шунингдек, партиянинг аҳоли ўртасида мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури» ижроси тўғрисидаги масала юзасидан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари Сирожиддин Рауфовнинг маърузаси тингланди.

— Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгашининг IV Пленумида қабул қилинган ўшбу Ҳаракат дастури ижроси партия Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва ҳудудий партия ташкилотларининг доимий назоратида бўлди, — деди С.Рауфов. — Дастурнинг биринчи банди, яъни «Ўзбекистон «Адолат» СДП марказий ва маҳаллий органлари ишлари ташкиллаштиришнинг сифати ва самарадорлигини ошириш» борасида жойларда салмоқли ишлар амалга оширилди. Марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари иши ўрганилди ҳамда камчиликларни бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан давлат раҳбарининг кўрсатма ва ташаббуслари асосида партия томонидан фаолият дастури ишлаб чиқилди ва бу жараёнга партиянинг жойлардаги барча ташкилотлари жалб қилинди.

Партия Марказий аппарати бўлим мудири Акмал Самеджановнинг «Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан ўтган йилларда давлат ва но-

давлат нотижорат ташкилотлари билан имзоланган битимлар асосида амалга оширилган ишлар ва бу борада фаолиятни кучайтириш тўғрисидаги маърузаси Ижроқўм аъзолари томонидан танқидий нуктаи назардан таҳлил этилди.

Сўнгги пайтларда партия давлат, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратмоқда. 2009-2012 йиллар давомида партия томонидан 10 дан ортиқ жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар имзолангани ҳамкорлик доирасида юзлаб тадбирлар ташкил этилгани бунинг исботидир. Бироқ ижтимоий шериклар билан имзоланган ҳамкорлик битимларининг ижроси ҳусусида мақдани бўлмади. Айниқса, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси билан олиб борилаётган ҳамкорлик кўнгилдагидек эмас. Муҳокамалар асосида ҳамкорликни янада кучайтиришга хизмат қилувчи аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан партия маассислигидаги «Адолат» ижтимоий-сийёсий газетаси фаолиятининг таҳлили асосида берган ҳулосалари ва газетанинг 2013 йил обунасини уюштириш ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Ахборот-ўқув марказини тузиш тўғрисидаги масалалар ҳам атрофича муҳокама қилинди.

Йиғилишда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ойбек ТОҶИБОВ,
«Адолат» мухбири

Самарали тиббий ёрдам

давра суҳбатининг бош мавзуси бўлди

Бошланғич ташкилотларда

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансеридаги бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан 7-шаҳар клиник шифохонада шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, туман партия ташкилотлари раҳбарлари, партия фаоллари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, соғлиқни сақлаш ходимлари иштирок этди.



Тадбирда қайд этилганидек, мустақил йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими, шу жумладан, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу жараёнда амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотлар натижасида халқимизнинг соғлом ҳаёт кеңиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан ва маънан етук авлодни вояга етказиш учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросидан келиб чиққан ҳолда оилалар саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга оид кенг қўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилатири.

Тадбирда сўзга чиққанлар мам-

лакатимизда аҳоли саломатлигини сақлашда кўрсатилган сифатли тиббий ёрдамнинг аҳамияти катта бўлаётганини, бугунги кунда замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган соғлиқни сақлаш муассасаларида аҳолига кенг қўламли бепул тиббий хизмат кўрсатилаётгани, бу борадаги ишлар йилдан-йилга кенгайиб, такомиллашиб бораётганини таъкидладилар.

— Аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий мақсад-вазифаларида ҳам ўз аксини топган, — деди фракция аъзоси Собир Турсунов. — Жумладан, партия дастурида бепул дастлабки тиббий хизмат кўрсатишни қафолатладиган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари

доирасида болаларни тиббий хизмат билан таъминлашни мустаҳкамлаш, болалар парвариши бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиб, фаолиятининг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тадбирда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, бугунги кунда юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом фарзандлар дунёга келишини таъминлашга қаратилган улкан эътибор ҳусусида сўз юритилди. Шунингдек, аҳолининг кенг қатламларига кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида партиянинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда жамоатчилик иштирокини кучайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Қайд этиш ўринлики, мамлакатимизнинг барча соғлиқни сақлаш муассасаларида бўлгани каби Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансерида ҳам аҳолига, шу жумладан, ёшларга намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бу жараёнда муассасада тузилган партия куйи бўғини аъзоларининг ҳам улуши катта бўлмоқда. Боиси, мазкур тиббий муассасанинг энг фаол ишчи-хотимлари, ёш мутахассисларидан 50 нафаридан зиёди ўшбу БПТ сафига бирлашган бўлиб, улар зиммасидаги масъулият ва бурчни теран англаган ҳолда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Тадбирда аҳолининг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчасини янада бойитиш, ёшларга оила қонунчилиги асослари, фарзандлар тарбиясига оид билимларни ошириш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, уларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббусларни кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

“ЎЗКИМСАНОАТ” ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ “ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ” ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДЕНОВ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*қалби юрт ички билан ёган, баркамол авлодни тарбияладек
эзу нига муносиб ҳисса қўшаётган барга устозларни, мураббийларни*

КАСБ БАЙРАМЛАРИ БИЛАН

Иш қалбдан қизни қўтлайди.

*Сизларга оилавий бахт,
мустаҳкам соғлиқ, сермашаққат
ишларинингизда ҳамisha омад ёр
бўлишини тилайди.*

Омонатингизни бизга ишонинг

Агробанк омонатлари қулай, ишончли ва манфаатлидир!

**ХАЛҚ ФАРОБОНЛИГИ
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!**

AGROBANK

Омонатга бўш пул маблағларингизни мумкин. Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. «Агробанк» омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

Қўшимча маълумот учун: 150-53-65, 150-53-32
телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.
www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Абдуллаева Латифат Музурова — Тошкент шахридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 1-интернат уйи тарбиячиси

Абдуллаева Фаридахон Хомидовна — Избоскан туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Азимбаева Нигора Муратовна — Тошкент шахридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси

Ашуров Бахтиёр Темирович — Қарши саноат касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Жабборов Рустам Рахимович — Шовот маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Кенджаев Шавкат Иргашевич — Чилонзор туманидаги 173-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Маматов Кайим Азимович — Самарқанд темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Пулатова Азадаҳон Хошимовна — Кува туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика ва акробатика бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

Рахмонов Ислоҳжон Абдулазизович — Оққўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Санаева Махсуда Халикуловна — Сирдарё вилояти «Баркамол авлод» болалар маркази директори

Турсунова Моҳира Дўстқobilовна — Нурота туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Поливанова Людмила Геннадьевна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўлими мураббийи

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизimini замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида соғлом ва баркамол эътиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Бахриева Дилором Муртозоқobilовна — Касби туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Зияев Рихсибай Каюмович — Қибрай туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Каримова Малика Мирзабдуллаевна — Юнусобод туманидаги 235-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Артикова Наила Александровна — Бадий жомалар ижодий бирлашмаси «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли бош балетмейстери, Тошкент шаҳри

Бозоров Абдуқабир Каримович — Балиқчи туманидаги 12-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Қобилова Бахти Нормуратовна — Жиззах шахридаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Мирзаев Рустам Абраимович — Каттақўрғон туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мирзаев Хасанбай Номирзаевич — Норин қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мустанова Нодира Гайбуллаевна — Шарғун қурилиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Низамова Тоҳинар Артиқбаевна — Гулистон шахридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Нурматова Зулхумор Ҳакимовна — Олтиариқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Раҳманов Ҳайитбай — Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Сметова Залиха Кошкинбаевна — Шуманай туманидаги 33-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Султанова Наргиза Таджиқуловна — Ангрен тиббиёт коллежининг физика ва астрономия фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Тиллаев Қаҳрамон Мухаммадиевич — Шофиркон маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ҳамроев Ражаббўйи Қўлдошович — Навбаҳор саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Шодиева Феруза Арабовна — Косон туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қашқадарё вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Бадалов Шавкат Азимович — Жиззах туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, Жиззах вилояти

Манбатова Муқаддам Ҳамдамовна — Косонсой туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мухамедов Таҳир Талибжанович — Мирзаобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Аҳмаджонов Баҳодир Нематжонович — Марҳамат туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Генжемуратов Гўлсара Оралбаевна — Қораўзақ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Долгова Ольга Владимировна — Оҳангарон туманидаги 55-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Игамбердиев Жура Мамашукорович — Ангор қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Қазинателла Шамильевна — Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Қаршибаева Озода Усанбаевна — Фарғона шахридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қаршиева Зулхумор Абдуғаниевна — Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Нарзиева Шоира Шамсиддиновна — Пешку туманидаги 29-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг баскетбол бўйича мураббийи, Бухоро вилояти

Насиров Эркин Ражабович — Каттақўрғон шахридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Низамова Матлуба Икромовна — Мингбулоқ маиший хизмат касб-хунар коллежининг оила психологияси фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Сериқбаева Рискўл Ҳожабаевна — Қонимех туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Навоий вилояти

Усмонова Фазилат Джураевна — Шаҳрисабз қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Файзиев Облоқул Унарович — Жиззах давлат педагогика институтини қошидаги 2-академик лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Жиззах вилояти

Ҳабибуллаева Мухаббат Азаматовна — Гурлан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Ақбарова Зайнабхон Обидовна — Данғара саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ахатов Уктам Халилович — Яқкабоғ туманидаги 77-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Аҳмедова Замира Аминовна — Когон шахридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Бекчанова Ойгул Насруллаевна — Хазорасп туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Болиева Матлуба Норбоевна — Иштихон туманидаги 66-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Бухарбаева Бахтигул Джолдасовна — Чимбой туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳаксимуратов Даулбай Матмуратович — Мўйноқ саноат-транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳалилов Зокир Абдуҷалолович — Фаллаорол саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Жиззах вилояти

Ҳиемуратова Назира Шамуратовна — Кеғейли туманидаги 55-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жураева Гўлчехра Муҳсунмановна — Узун педагогика коллежининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Жўрабекова Одина Хуршидовна — Учқўприк саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Иноятлова Матлуба Нусратиллоевна — Бухоро туризм коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Исломова Мархаба Мамановна — Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddинов номи академик лицейи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

Исматова Мамлакат Икромовна — Бухоро вилояти 32-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Қарабаева Махбуба Қурбоневна — Пастдарғом тиббиёт коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Самарқанд вилояти

Қаримов Юнусжон Мирзарахимович — Тўрақўрғон туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Қомиллов Шерзодбек Ғуломидинович — Асака автотомилсозлик касб-хунар коллежи директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари, Андижон вилояти

Қосимов Илхомжон Солижанович — Андижон автотомобиль йўллари қурилиши касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Қувандикова Дўамила Яхшибаевна — Навоий шахридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Навоий вилояти

Қулдашева Дильфуза Мамасолиевна — Наманган муҳандислик-педагогика институтини қошидаги Учқўрғон академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Қосқутова Оксана Анатольевна — Миробод туманидаги 32-мактабгача таълим муассасаси логопеди, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2012 йил 27 сентябрь

И.КАРИМОВ

Бош мақсад — кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш



Азиз устоз ва мураббийлар!
Барчангизга касб байрамнгиз муборак бўлсин.

Мамаққотли, шу билан бирга, шарафли касбингиз ортидаги зурлат ва эътибор заёт афлингизни нурафшон этгани муборак.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг бош мақсади — кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш ва шунинг ҳисобидан аҳоли форовонлигини мунтазам ошириб боришдир. Бу мақсад — яқинда Пойтахтимизда ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзuidaги халқроқ конференцияда ҳам яна бир бор баралла таъкид топди.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда банк тизими йил сайин ривож топиб, борган сари эркинлаштирилиб, капиталлаштириш даражасини оширишга ва айни кезде бу жараёнларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Банкларнинг тадбиркорлар билан ҳамкорлиги асослари тобора мустаҳкамланиб, кредитлашнинг янги механизмлари яратилаётир. Аҳоли бўш маблағлари билан ишлаш, капиталлашувни тезлаштириш, самарали бошқарув тизimini вужудга келтириш борасида асо-

сий йўналишлар белгилаб олинмоқда. Буни «Агробанк» ОАТБ Андижон вилоят бошқармасининг шахар ва туман бўлимлари фаолиятида ҳам аққол кўрса бўлади.

Изоҳ: Бошқарманинг туман ва шахар бўлимларида фаолият юритаётган 16 та филиал ҳамда 15 та минибанклар барча мулкчилик шаклидаги 23561 та юридик ва жисмоний шахсларга тезкор, сифатли комплекс банк хизмати кўрсатмоқда.

Далил: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда

микрокредитлашни рағбатлантириш ҳамда аҳолининг бандлик даражасини ошириш мақсадида шу йил 1 сентябрь ҳолатига яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон, фермер хўжалиқлари, кичик бизнес субъектларига 18,6 миллиард сўм кредитлар берилди. Ана шу кредитлар ҳисобидан қишлоқ жойларида юқори инновацион лойиҳалар молиялаштирилиб, пировардида, 2853 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, «ҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожига 1,2 миллиард сўм, тадбиркор аёлларга 3,7 миллиард сўм кредитлар йўналтирилди.

Буларгина эмас. «Агробанк» ОАТБ тизимида шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини қўлайтиришни рағбатлантириш, ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик ва хўнарамдчиликни ривожлантириш, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда ички бозорни тўлдирish каби йўналишларга ҳам кўламли эътибор қаратилмоқда.

Исбот: Банкнинг Андижон вилоят бошқармаси таркибидаги шахар ва туман бўлимлари ҳамда уларнинг филиаллари томонидан шахсий ёрдамчи деҳқон, фермер хўжалиқларида чорва молларини қўлайтиришни рағбатлантиришга 760,0 миллион сўм, ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш учун 800,0 миллион, оилавий тадбиркорлик ҳамда хўнарамдчиликни ривожлантиришга 591,3 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Айни шундай кредитлар вилоятнинг Асака туманидаги «Ниезботир нон ризк», Олтинқўл туманидаги «Олтинқўл инвест текстил» хусусий корхоналари, Андижон шахридаги «Саркор қурилиш монтаж», МЧК каби ўнлаб субъектларнинг вужудга келишига пойдевор бўлди. Бошиданок намунавий (типовой) лойиҳалар асосида режалаштирилган мазкур корхоналарнинг ҳар бирида 5-6 тадан тортиб, 10-12 тагача янги иш ўринлари яратилди.

Хулоса: Бундай ижобий мисолларни «Агробанк» ОАТБ Андижон вилоят

бошқармаси шахар ва туман бўлимлари ҳамда уларнинг филиаллари фаолиятида жойларда асаларичилик, балиқчилик сингари озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларда ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги рағбатлантириш йўналишини оласизми, таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш йўналишини оласизми — барчаси доирасида банк томонидан зарур кредит маблағлари улаштириш тажрибаси вилоятда ўз самарасини бермоқда. Зеро, бош мақсад — юқорида айтганимиздек, мамлакатимизда кенг кўламли, кучли ва рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш орқали аҳоли форовонлигини мунтазам ошириб боришдир.

Абдуғани СОДИҚОВ

Сиёсат

Сармоядорлар
Адлия ҳимоясида

чет эл инвесторлари ва улар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини бузган 229 нафар мансабдор шахслар келгусида қонун талабларини бузмаслик хусусида огоҳлантирилди, 208 нафар айбдор мансабдор шахслар интизомий жазога тортилди

Концепция:
устувор вазифалар

Юртимизда алоҳида минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталлини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузилган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудудлар, яъни эркин иқтисодий зона тушунчаси ҳаётимизга жадаллик билан кириб келди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонида биноан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилди.

Унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақсури ҳудудга кириши, унда бўлиши ва чиқиб кетишининг, шунингдек, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Шу билан бирга, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатдан ўтган ҳўжалик юритувчи субъектлар, уларга қиртилган тўғридан-тўғри инвестициялар белгиланган тартибда бўлган тақдирда ер, мулк, даромад, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилиши белгиланган бўлиди.

Мазкур имтиёзларнинг ўрнатилиши натижасида ҳозирги кунга келиб мазкур ҳудудга ўндан ортиқ хорижий корхоналар ўз сармояларини жалб этиб, муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

2012 йилнинг 13 апрелида давлатимиз раҳбарининг «Ангрен» махсус индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатдан ўтган ҳўжалик юритувчи субъектлар, уларга қиртилган тўғридан-тўғри инвестициялар белгиланган тартибда бўлган тақдирда ер, мулк, даромад, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилиши белгиланган бўлиди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, юртимизда хорижий инвесторларга нисбатан яратилган қулай инвестицион муҳит тобора такомиллаштирилиб бормоқда. Бунга яққол мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғри-

дан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ушбу Фармон билан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти учун янада қулай муҳит яратилди. Жумладан, уларга нисбатан солиқ ва божхона қонунчиликлари бўйича қўшимча имтиёз ва преференциялар ўрнатилди.

Бундан ташқари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2003 йил 2 майдаги қарори билан Адлия вазирлигига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш вазифаси юклатилди.

Жумладан, 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида адлия органлари томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг 233 та муурожаатлари кўриб чиқилиб, мазкур турдаги корхоналар манфаати кўзланган 523 та даъво аризалари киритилди ҳамда улар бўйича 8,1 миллиард сўм маблаг ундирилиши белгиланди.

Шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш бўйича қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти мунтазам ўрганиб келинмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида адлия органлари ўтказган ўрганишларда, давлат органлари ҳамда бошқа идоралар фаолиятида жами 1,491 та, шу жумладан 631 та ҳолатда тижорат банклари оид, 351 та ҳолатда маъмурий жавобгарликка тортилган оид, 63 та ҳолатда солиққа оид қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди.


Масалан, солиқ инспекцияларида ўтказилган ўрганишлар давомида, Фаргона шаҳар ДСининг инкасса топшириқномаси орқали "Club Hotel 777" қўшма корхонасидан 1 245 319 сўм, Қўқон шаҳар ДСининг инкасса топшириқномаси орқали "Бешарик текстиль" қўшма корхонасидан 109 404 сўм маблаглар асосида равишда ундирилганлиги ҳолатлари бўйича ҳудудий адлия органнинг тақдимномаси билан асоссиз ундирилган маблаглар корхоналар ҳисоб рақамига тўлиқ қайтарилди.

Бундан ташқари, муурожаатлари кўриб чиқиш ҳамда ўрганишлар натижаси бўйича давлат органларига, тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ташкилотларга қонун бузилишларини ва унга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида 229 та тақдимномалар ҳамда 131 та кўрсатмалар киритилди. Шунингдек, чет эл инвесторлари ва улар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини бузган 229 нафар мансабдор шахслар келгусида қонун талабларини бузмаслик хусусида огоҳлантирилди, 208 нафар айбдор мансабдор шахслар интизомий жазога тортилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга яратилаётган қулай муҳит натижасида Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармоядорларнинг қизиқиши ортиб бормоқда.

Адҳам ТУРДИЕВ,

Адлия вазирлиги Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бўлими бошлиғи



Давом. Боши 1-бетда

Айни чоғда, Конституцияда Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий мақсадларига мос ҳолатлар, яъни қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳуқуқий ҳимоя, турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан аҳил-иноқ яшаш, диний бағрикенглик тушунчалари кенг шарҳланади.

Юртбошимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Бош қонунимиз эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, қўп укладли миллий иқтисодиёт асосларини мустаҳкамлаш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, ўз истеъдодини тўла намойиш этиш ва меҳнати натижаларидан баҳраманд бўлиш олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятининг қарор топишида мустаҳкам қарор топди. Мана, йигирма йилдирки, олдимизга қўйилган улғувор вазифаларни амалга ошириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини тубдан янгиллаш, ижтимоий адолатни қарор топтиришда Конституция йўлимизни машаадеқ ёритиб келмоқда. Орадан ўтган йигирма йил ичида кечган умримиз, эришган муваффақиятларимиз, қозонган ғалабаларимиз, мустақил Ўзбекистоннинг бугунги обрў-эътибори, халқро майдондаги баланд нуфузи шу буюқ қонунимиз билан бевосита боғлиқ.

Бу ютуқларга Асосий Қонунимизга, миллий юксалиш ва тараққиёт тамойилларига оғишмай амал қилганимиз, ҳамфикр ва ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилаётганимиз, "Шу азиз Ватан — барчамизники" деган улғу шиор ҳаммамизга баб-баробар дахлдор бўлгани, фақат бугунни эмас, олис истиқболни, биздан кейин келадиған авлодларнинг бахтли ҳаётини, ризқ-насибасини ҳам ўйлаб иш тутайганимиз сабабчи, деб ифтихор билан айта оламиз.

Дунёнинг ривожланган, иқтисодий жиҳатдан бақувват мамлакатлари мана, неча йилдирки, жаҳон миқёсида кечаятган иқтисодий-молиявий танглик натижасида жиддий муаммоларга дуч келмоқдалар. Кўпгина давлатларда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада камайиб, бунинг оқибатида ишчи ўринлари қисқармоқда, аҳоли даромадлари эса камайиб бораётди. Ўзбекистонда эса кейинги етти йил ичи-

Бунёдкорликка
йўғрилган
йиллар

да иқтисодий ўсиш ўртача 8-8,5 фоизга ўсаятгани, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари тўла бажарилаётгани мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор равишда ривожланиб бораётганидан далолат беради. Бу ва бошқа залворли рақамлар мустақиллигимизнинг дастлабки икки йиллиги мамлакатимизда чинакамига бунёдкорлик, яратувчилик, халқимизнинг турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йиллари бўлганидан далолат беради. Шу йиллар ичида оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартирасига, қиш-

рини янги босқичга қўтариш, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини янада оширишдан иборат.

Бу вазифаларнинг бажарилиши, аввало, иқтисодий шарт-шароит ва ҳуқуқий асосларнинг мавжудлигига боғлиқ. Бундан йигирма йил аввал қабул қилинган Конституция ана шу шароитларни яратиб берди. Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун устуворлигига эришиш орқали адолатли ва эркин жамият барпо этиш мустақил давлатимизнинг бош мақсади қилиб қўйилди. Юрт-

Бу тарихий ҳужжатнинг бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш деб белгиланди. Бу ғоя халқимизнинг азалий орзу-умидлари ҳамда бугунги бунёдкорлик фаолиятининг маъназмунига тўла мос келади, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун муқаддас бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларни, ҳар бир кишига дахлдор ҳуқуқ ва бурчларни ўзида мужассам этади.

лоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлди. Мамлакат иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳолининг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқдори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи 18 баробар ошди.

Конституциямизда ўз ифодасини топган мақсад ва вазифалар ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда ўз аксини топаётгани мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир давлатимиз раҳбари тақлиф этган Концепцияга биноан унга киритилган ўзгаришлар мамлакатимизда қонун устуворлигига эришиш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга, халқимиз учун муносиб турмуш тарзини яратишга, бу йўналишдаги ислохотларни бундан буюн ҳам изчиллик билан давом эттиришга, олдимизда турган янги-янги вазифаларни замон талабларига мос равишда бажаришга асос бўлади. Олдимизда эса, чиндан ҳам, улғувор вазифалар турибди. Бу вазифалар — бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, мамлакатимизни янгиллаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жаҳбаларини эркинлаштириш жараёна-

бошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши (2001 йил), Вазирлар Маҳкамасининг "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (1998 йил) ва бошқа муҳим ҳужжатлар бу борада дастуриалмал бўлди.

Ҳаёт тўхтовсиз ўзгариб, ривожланиб бормоқда. Эркин демократик жамият қурилиш жараёни муттасил олға силжимоқда. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва салоҳияти мунтазамлик касб этаётди. Бу жараёнлар олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқдаки, уларнинг ижроси ҳар биримиздан янада фаол, ишчан ва ташаббускор бўлишни, фидойилик намуналарини кўрсатишни талаб этади. Шундай экан, Бош Қонунимизни, давлатимиз раҳбарининг асарлари, нутқ ва маърузаларида олға сурилган ғоя ва тақлифларни янада чуқур ўрганишни, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларимизнинг юксак самарадорлигини таъминлашимиз зарур бўлади.

Алишер АҚРАМОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Сифат эмас, сон кетидан қувганда...

Ўз-ўзини танқид

Бугунги сиёсий модернизация жараёнларида қайси сиёсий партия дастурий ғояларини ҳаётга тўлақонли йўналтира олса ва аҳолининг кенг қатламини ортидан эргаштирса, ўша партия сиёсий рақобат майдонида ўз ўрни ва мавқеини мустаҳкамлайди. Ана шундай натижаларга эришишда, албатта, жойлардаги партия ташкилотлари фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз ўрнида, улар томонидан кенг жамоатчилик ўртасида ўтказилаётган тарғибот тадбирларининг сони, сифати ва таъсирчанлиги, амалий ишларга қодирлиги билан баҳоланади.

Хўш, бугун Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳудудий партия ташкилотлари ана шундай мезонларга жавоб бера оладими?

Партиянинг Сурхондарё вилояти Кенгаши фаолиятини шу нуқтадан назардан баҳолаш, ўз атрофига олти минг нафарга яқин аъзоларни бирлаштирган вилоят партия таш-

камовли аудиторияси жалб қилинганлигининг самарасидир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят Кенгаши томонидан ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар ҳамда таълим муассасаларида юздан ортиқ ана шундай тадбирлар ташкил этилди. Партия фаолларининг изланувчанлиги ва жонбозлиги тудайли партия сафи 600 нафар янги аъзо ҳисобига кенгайишига эришилди.

Аҳоли орасида партиянинг дастурий ғоясини тарғибот-ташвиқот қилишда маҳаллий босма ОАВлари, вилоят телерадиокомпанияси ҳамда «Янги аср» радиоканали билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги, айниқса, яхши самара берапти. Партия фаолияти ва ҳаётига оид чоп этилаётган мақолалар, эфир орқали узатилаётган хабар ва лавлар ҳалар орқали аҳолининг Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳаётини ғоялари, айниқса, ин-

новацион лойиҳалари доирасида тарғиб этилаётган муқобил энергия манбаларини омалаштиришга оид амалий ишларига бўлган қизиқиши ортиб бораётди.

Бу борада вилоят партия Кенгашининг Жарқўрғон, Узун, Қизилқум тумани ҳамда Термиз шаҳар партия ташкилотлари фаолиятини ижобий баҳолаш мумкин. Мазкур ҳудудий ташкилотларда қуйи тузилмалар билан ишлаш яхши йўлга қўйилгани боис ижобий натижаларга эришилмоқда, дейиш мумкин.

Бироқ вилоят партия Кенгаши эришяётган ютуқларни қанчалик эътироф этмайлик, камчилик ва нуқсонлардан ҳам қўз юмиб бўлмайди. Хусусан, партиянинг Ангор ҳамда Шеробод тумани ташкилотлари томонидан ўтказилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирларида ҳамон эскича усуллардан фойдаланилаётганлиги, мавзуларнинг бир

хиллиги натижасида уларнинг таъсирчанлиги ва самараси сезилмапти. Бошқача қилиб айтганда, мазкур туман партия ташкилотлари раҳбарларида ушбу фаолиятга масъулиятсизлик билан ёндашиш, сифат эмас, сон кетидан қувши ҳоллари учраб турибди. Бунга жойлардаги БПТ раислари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилмаганлиги, раҳбар кадрлар савиясининг талаб даражасида эмаслиги ва кўнимсизлиги сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли орасида партия дастурий ғояларини кенг тарғиб этиш ва партия сафларига янги аъзоларни қабул қилишга салбий таъсир этмоқда.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинганлиги, бу партияларнинг парламентдаги фрак-

цияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ноиблари, яъни партия электорати манфаатларини ҳимоя қилувчи вакиллари зиммасига ҳам қатта масъулият юклайди. Масалани ана шу нуқтадан назардан қарайдиган бўлсак, юқорида номлари келтирилган туманлар-у, депутатлик гуруҳлари фаолияти бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги кўзга ташланиб қоляпти. Маҳаллий кенгашлар депутатлари билан суҳбатлашсангиз аксарият ҳолларда улар сайлов пайти ўзи аъзо бўлган партия дастурий мақсадлари, ғояларини амалга оширишга берган вадасини унутгани ҳолатига дуч келасиз, бу эса ўша депутатнинг партия билан ҳам алоқани узиб қўйганини аңлатади.

Бу каби камчиликларни ўз вақтида ўрганиб чиқиш ва уларни бартараф этиш бора-бора вилоят партия Кенгаши томонидан муайян чора-тад-

бирлар амалга оширилмоқда. Юқоридаги каби камчиликларга йўл қўяётган депутатлар оғохлантирилди, заиф БПТлар учун туман партия кенгашларида сиёсий ўқувлар ташкил этилмоқда. Тизимли равишда ташкил этилаётган сиёсий ўқувларда вилоятдаги партиянинг барча ташкилотлари раҳбарлари ва ходимларининг сиёсий билимлари, ташкилотчилик қобилиятларини ошириш, уларда партия электорати манфаатлари йўлида ташаббускорлик, фидойилик, жонқуярлик каби фазилатларни шакллантириш, аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориш, аъзолар ва хайрихоҳлар сандисини унутгани ҳолатига дуч келасиз, бу эса ўша депутатнинг партия билан ҳам алоқани узиб қўйганини аңлатади.

Бу каби камчиликларни ўз вақтида ўрганиб чиқиш ва уларни бартараф этиш бора-бора вилоят партия Кенгаши томонидан муайян чора-тад-

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сурхондарё вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Фаол фуқаролик позицияси

ва уни мустаҳкамлаш «Ёш адолатчилар»дан фаолликни талаб этади

Ўқув семинари

Ўзбекистон — ёшлар мамлакати. Аҳолининг 64 фоизини ташкил этадиган ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ёт мафқуралар, хуружлардан асраш, уларда турли ғоявий таҳдидларга қарши туриш кўнжималарини шакллантириш давлатимиз юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир.

Мамлакатимизда ўғил-қизларнинг баркамол, жисмонан бақувват, маънан етук инсонлар бўлиб вояга етишишлари учун қулай шароит яратилган.

Айтиш керакки, бу каби кенг кўламли тадбирларда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП мазкур йўналишдаги фаолиятини ўзининг «Ёш адолатчилар» қаноти Кенгаши орқали изчил амалга ошириб келмоқда. Жумладан, «Ёшлар адолатчилар» ўз олдиларига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, ғоявий тарбия масаласига жиддий ёндашаётир. Белгиланган режа ва дастурий мақсадларни амалиётга татбиқ этиш, фаол демократик янгиланишлар жараёнида ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар орасида социал-демократик ғоялар ва қадриятларни кенг тарғиб қилиш, йигит-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада бойитиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Бунда навқирон авлод вакиллари миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришга устувор мақсад сифатида қаралаяпти. Ҳар тўқисда бир айб деганларидек, «Ёш адолатчилар» қаноти фаолиятида айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Айрим вилоятларда ёшларнинг сиёсий савиясини юксалтиришга, маънавий билимларини бойитишга хизмат қиладиган сиёсий ўқувлар, семинарлар етарли даражада эмас, миллий байрамлар, турли оммавий тадбирларни ўтказишда партиявий-сиёсий ташаббускорлик сезилмайди. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жойлардаги «Ёш адолатчилар» қаноти раислари ва фаоллари учун «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти Кенгаши фаолиятини такомиллаштириш» мавзусидаги сиёсий ўқиш ана шу камчиликларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Партия Марказий аппарати томонидан ташкил этилган уч кунлик мазкур сиёсий ўқувнинг биринчи ва иккинчи кун тафсилотлари ҳақида газетамизнинг ўтган сонида маълум қилган эдик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясида ташкил этилган ушбу тадбирнинг сўнгги, учинчи кунда интерактив машғулотларга кенг ўрин берилгани ўқувнинг фикр-мулоҳазаларга, жонли мулоқотларга, амалий машғулотларга бой бўлишини таъминлади.

Фракция аъзоси К.Ҳамидованинг «Ёш адолатчилар» қаноти партия дастурий вазифаларини тарғиб этишда жамоатчилик ташкилотлари билан алоқаларининг шакл ва усуллари», Зухра Ботированинг «Партиянинг ёш фаолларида лидерлик сифатларини тарбиялаш» мавзусидаги маърузалари, айниқса, иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Муҳаррам ДАДАХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши
Марказий аппарати «Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш» бўлими мудири:

— Ёшлар — келажагимиз. Бу ҳаёт ҳақиқати Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси қошидаги «Ёш адолатчилар» қаноти Кенгаши фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда, десак янглишмаймиз. Айниқса, йигит-қизларнинг сиёсий билим ва малакаларини ошириш, уларнинг «Ёш адолатчилар» сафидаги фаолиятини самарадорлигига эришиш — партия истиқболи учун муҳим аҳамият касб этади. Мўҳим таҳтимизда ташкил этилган уч кунлик ўқув-семинарда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқув-семинарни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад, партиянинг ёш фаоллари ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, уларнинг ёшлар орасидаги фаолиятида устувор йўналишларни аниқлаш, ёшлар ўртасида «Адолат» СДП ғоялари тарғиботини янада кучайтириш бўйича вазифаларни белгилаб олишдан иборатдир.

Ўқув давомида иштирокчилар мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти ва сай-



лов тизимида доир қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатлари, давлат бошқаруви тузилиши, партиянинг ёшларга оид сиёсати мақсад-вазифалари ва устувор йўналишлари ҳамда сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти ижтимоий-сиёсий ривожланишидаги ўрни ва иштироки каби мавзуларда маърузалар тингладиди. Маърузаларнинг интерфаол шаклда ўқитиш ва гуруҳларда ишлаш услубларига асосланган ҳолда етук мутахассислар томонидан олиб борилиши иштирокчилар диққатини янада жалб этди.

Сиёсий ўқув якунида ҳар бир иштирокчи махсус сертификатларнинг топширилиши, уларнинг келгуси фаолияти янада самарали бўлишига хизмат қилади, албатта.



Феруза ОМОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
«Ёш адолатчилар» қаноти
Кенгаши раиси

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёш партия фаоллари-га жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини тушунириш, улар билан ўзаро фикр алмашиш, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг қанчалик аҳамиятли экани, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш органлари, «Маҳалла» жамағамаси, «Қамолот» ЁИХ ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётгани эса улар таъсирини янада кенгайтиради. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига алоҳида уруғ берилган. Жумладан, Концеп-



цияда жамиятнинг демократик йўлдан жадал ривожланиши, бу борадаги ислохотлар муносабатлари, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқлиги ҳамда юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи эканлиги таъкидланган. Чунки қабул қилинаётган қарор ва қонунлар ижроси, шубҳасиз, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий етуклигига боғлиқ. Шу сабабли Ўзбекистон «Адолат» СДП ва унинг ҳудудий бўлимлари, жум-

Умид ШОУМАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилояти
«Ёш адолатчилар» қаноти раиси:

— Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг асосий ғоялари, илгари сураётган тамойиллари моҳият нуқтаи назаридан гўят жозибадор ва аллақачон бугунги ҳаётимиз мезонларига айланиб улгурган. Қолаверса, партиямиз мафқурасига ёшлар қарашларига мос келади.

«Адолат» — ҳаётимизнинг бosh мезони», «Инсон манфатлари — олий қадрият» сингари ҳаётбахш шир ва стратегик концепциялар ёки дастурий вазифа сифатида белгиланган фундаментал илм-фанни ривожлантириш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш каби вазифалар, уларни амалга оширишга қаратилган амалий ишлар беиз кетмаёпти. Партиямиз мафқурасига содиқ, жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини ва қонун устуворлигини таъминлаш, йигит-қизларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш Қадрлар тайёрлаш миллий дастури моҳиятига сингдирилган. Бу эса ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда таълим соҳаси имкониятларидан кенг фойдаланилаётганигадал далолатдир. Ушбу давра суҳбати бу борадаги мавжуд билимларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта.



ладан, «Ёш адолатчилар» қаноти ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган тадбирларга эътиборни кучайтирмоғи лозим.

Глобаллашув жараёнилари кетаётган бир даврда ғараз ниятли кучлар ўз мақсадларига эришиш учун қўллаб-қувватларда ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшлардан қурол сифатида фойдаланаётгани, бу ҳолатлари бизни ҳам огоҳликка чорлаши керак. Таҳлилларга мувожаат қилсак, дунё микёсида содир этилган аксарият тартибсизликларни уюштиришда ёшлар омилли етакчи роль ўйнаётгани аён бўлади. Бироқ бундай ўйинлар айрим давлатларда қандай усталик билан амалга оширилганидан, бу ўзгаришлар ваъда қилинган самараларни бермаганлигидан ҳамда ўша давлатларда ўткир ижтимоий муаммолар ва сиёсий беқарорлик муҳити сақланиб қолаётганидан барчамиз яхши хабардоримиз. Яқин тарихимизда мамлакатимиз тинчлигига раҳна солмоқчи бўлган кучлар ҳам, асосан, ёшлар онгини за-

ҳарлашга уринганини яхши биламиз.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, бугунги мураккаб даврда мамлакатимиз ёшларига глобаллашув даври салбий ҳодисалари хавфини камайтириш ва уларни маънавий етук шахслар этиб тарбиялаш учун ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш зарур.

Бизнингча, ёшларда фуқаролик позицияси она-юртига муҳаббат, дахлдорлик туйғулари, уни ҳимоя қилиш, авайлаб-асрашга қаратилган интилишларини кучайтиришга ёрдам бериши.

Шунинг учун сиёсий ўқувда мазкур йўналишда ташкил этилаётган тадбирларда «Ёш адолатчилар» қаноти фаоллигини янада оширишга хизмат қиладиган аниқ тақлиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Иштирокчиларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари тингланди. Шунингдек, Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунчалар берилди.



Дилноза АХМЕДОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Фарғона вилояти
«Ёш адолатчилар» қаноти раиси:

— Сиёсий ўқувда республикаимиз вилоятларидан ташриф буюрган сафдошларимиз билан яқин мулоқотда бўлганлигимиз ўзаро тажриба алмашишимизда ҳам ёрдам берди. Жойлардаги «Ёш адолатчилар» қаноти сафларини ташаббускор, фаол ёшлар ҳисобига янада кўпайтириш юзасидан ўзаро фикр алмашдик. Бу борада, айниқса, олий ўқув даргоҳ-

ларида учрашувлар ўтказиш кутилган самарани бериши

Шавкат ШУКУРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сурхондарё вилояти
«Ёш адолатчилар» қаноти раиси:



— Семинар мамлакатимиз микёсида олиб борилаётган сиёсий ислохотлар жараёни билан янада яқиндан танишиш имконини берди. Шу билан бирга, партиямиз Дастурида ёшлар йўналишидаги белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ўргандик. Бошқарув санъати мавзуси барча тадбир иштирокчилари қатори менда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ёш фаолларнинг лидерлик қобилиятларини аниқлашга қаратилган интерактив машғулотларда секцияларга бўлинган ҳолда иш олиб борганимиз, «Ёш адолатчилар» қанотининг 2015 йилгача бўлган ҳаракат дастурини ўзимиз тайёрлаганимиз уларни амалга оширишда кўнжималаримизни кенгайтиришга хизмат қилди.

Ўрганганларимизни жойларда самарали таъкид эта олсак, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг партиямизга бўлган қизиқиши ва интилиши янада ортади, албатта.

қайд этилди. Айнан ёшларда янгича ва бунёдкор руҳдаги фикрлар кўп учраши таъкидланди. Шунингдек, ўқувлар орқали ёшларнинг ахлоқий тарбиясини кучайтириш, миллий менталитетимизга зид бўлган зарарли таъсирларга қарши курашиш мақсадида таълим-тарбия муассасалари, оила институти ва маҳаллалар ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлаш, бу борада турли тарғибот воситалари, жумладан, матбуот имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини янада теран тушуниб етдик.

Мактабларда интерфаол электрон доскалар

Ўзбекистондаги мактабларда интерфаол электрон доскалардан фойдаланиш бўйича тажриба бошланди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хабарига кўра, инновация ўзини оқлагани боис тажриба тез орада мамлакатдаги барча мактабларда қўлланила бошлайди.

Тажрибада Тошкентдаги 28-, 50- ва 169-мактаблар қатнашяпти. Уларнинг ҳар бирида битта синф хонаси электрон доска билан жиҳозланган. Экспериментда қатнашаётган мактабларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, дарсларда ин-

терфаол доскалардан фойдаланиш машғулотларнинг қизиқлироқ ўтишини таъминламоқда, ўқувчилар томонидан уй вазифаларининг сифатли бажарилишига кўмаклашмоқда. Мактаб ўқувчилари нафақат ўқитувчи томонидан тайёрлан-

ган материал намойишини, балки ўз ижодий ишларининг тақдирини ҳам сабрсизлик билан кутишади.

Мактабларни интерфаол доскалар билан оммавий жиҳозлашга тайёргарлик жараёнида Мультимедиа илм-таълим дастурларини ривожлантириш маркази ва Педагогик фанлар илмий-тадқиқот институти мукаммалроқ қилишга ёрдам берувчи мультимедиа дастурларини ишлаб чиқияпти.

Бундан ташқари, Педагогик фанлар ИТИ «Ўқимёвтоматика» билан ҳамкорликда маҳаллий интерфаол доскаларни яратиш устида ишлаяпти. Тажриба модели Тошкент педагогик кадрлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида синовдан ўтказилмоқда. Демак, мактаблар мамлакатимиз олимлари томонидан ишланган ва корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган интерфаол доскалар билан жиҳозланади.

Шоира МАҲМУДОВА

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмонил САЙФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қолир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҲМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиққа бошлаган

Таҳрир хайъати: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.

adolat_gazeta@mail.ru

Бот муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс); Котибнат — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Номоз САДУЛЛАЕВ. Навбатчи — Фулом ХИДИРОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5217

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г — 900. Ҳақми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Адади — 6449. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.20

1 2 3 5

Жараён

Биринчи ўқитувчи...

Давом. Боши 1-бетда

Яхши шогирд "Мен фалончидан сабоқ олганман" деб, устоз ўғитларига амал қилиб, ўзининг ҳам, устозининг ҳам номини улуғлайди.

Ёш авлод тарбияси, устоз-шогирдлик аъёнлари жамият ҳаётида ҳамisha муҳим ва ҳал қилувчи вазифа бўлиб келган. Бунинг боиси, миллий тарбиянинг турли босқичларида мамлакат олдига турлича вазифалар туради. Уларни амалга ошириш эса катта авлод ортидан келаётган ёшлар зиммасига тушади. Бинобарин, ёш авлод тарбияси қандай ташкил этилгани, уларга қандай вазифа бериладигани, оғ-шурларига қандай қадриятлар сингдирилганлиги асло бефарқ қараб бўлмайди. Тарбия шундай назик жараён, ундаги оний ўзгариш ҳам жиддий муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётини янгилаш, янги бошқарув тизимини жорий этиш, халқимизнинг азалий қадриятлари, шаън-шавкати, тили ва дини, ғурур-ифтихорини жой-жойига қўйиш, ўтмиш тарихимизга оид соҳта-талкин ва айбловлардан қутулиш, буюк аллома аждодларимизнинг илмий, маънавий-маърифий меросидан баҳраманд бўлиш орқали янги авлодни, янги дунёқараш ва тафаккур эгаларини тарбиялаш бу даврнинг мураккаб, аммо шарафли вазифасига айланган. Бу вазифа ўтмиш даврида бўлгани каби, бугун ҳам долзарб аҳамият касб этиб турибди. Бунга наинки ўзимиз, жаҳон жамоатчилиги, таълим соҳаси мутахассислари ҳам қатъий ишонч ҳосил қилишган.

Пойтахтимизда "Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт" мавзусидаги халқаро конференцияда улуғлиқ таълим ва ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашнинг миллий моделини яратиш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажриба Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг элликка яқин давлатларидан келган таълим соҳасининг йирик мутахассислари, таниқли олимлари томонидан юксак баҳоланди. Улар мамлакатимизда инсон капиталига йўналтирилган инвестиция ва қўйилмаларнинг тобора ўсиб бораётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Таълим соҳасида мамлакатимизда жорий этилган 9+3



схемаси бўйича янги 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими ва унинг бугунги ижобий натижалари, молиявий-иқтисодий инқироз дунё мамлакатлари иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб турган бир пайтда, Ўзбекистонда бу соҳа жадал суръат билан ривожланиб бораётгани мутахассис ва олимларда жиддий қизиқиш уйғотди. Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода Ўзбекистон бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этишини, мамлакат умумий йиллик бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётганини юксак баҳолади. "Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовордир", деб таъкидлади у.

Асосий маъно ва моҳиятини мутлақо янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий янгиланган ва технологияларни ўзлаштиришга қурб-қудрати етадиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган, маънавий ва жисмоний етуқ ёшларимизни тарбиялашдек эзгу мақсад ташкил этадиган бу тизим ҳақли равишда ўзгаларнинг ҳавасини уйғотмоқда. Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ана шундай ёш авлодни воғва етказиб бериш фидойи ўқитувчи ва мураббийларга эътиборни кучайтириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, соҳа ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизimini яратиш таълим соҳаси-

да олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ўз дастурида ҳар бир фуқаронинг сифатли ва бепул таълим олиши, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиш, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтда ўз ишини ташкил этиш имконига эга бўлишини ёқлаган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси давлатимизнинг бу борадаги интиломида қўллаб-қувватлайди. Зеро, педагоглар партияимизнинг таянчи ва суянчларидан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасида эришилаётган ютуқларни бугун халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида кўриш мумкин. Ёшлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, бошқарувда, илм-фан, саноат, иқтисодиёт, кишлук ҳўжалиги, маданият, санъат ва спорт соҳаларида етакчи мавқега эга бўлиб туришибди. Бунда, шубҳасиз, ўз касбини севган, фидойи, ватанпарвар устоз-мураббий етадиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган, маънавий ва жисмоний етуқ ёшларимизни тарбиялашдек эзгу мақсад ташкил этадиган бу тизим ҳақли равишда ўзгаларнинг ҳавасини уйғотмоқда. Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ана шундай ёш авлодни воғва етказиб бериш фидойи ўқитувчи ва мураббийларга эътиборни кучайтириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, соҳа ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизimini яратиш таълим соҳаси-

Дарахқиқат, ёшлар дунёқарашини тўри шакллантиришда устоз-мураббийларнинг касб маҳорати, миллий тарихи ва ўтмишини нечоғли яхши билиши, яқин-ўтмишда кечган воқеа-ходисалар моҳиятини тўри англаши ҳолатда муҳим.

Шу боис ёшларга халқимизнинг мустабид тузум шароитида кечган ҳаётини, ота-болаларимиз бошига тушган мислсиз жафоларни, мустақиллик арафасида мамлакатимизда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий ҳолатни, Ўзбекистонда истиқлолимизнинг дастлабки қадамлари қандай кечганини, бу буюк неъматни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги савий-харажатларни ҳар томонлама чуқур тушунириб бериш бугунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бугун аксарият бола оилада, мактабгача тарбия муассасаларида савод чиқариб, биринчи синфга бозор-пул муносабатларидан, компьютер ўйинлари, телефон алоқаси, телекўрсатувлар мазмунидан яхшигина хабардор ҳолда келади. Демакки, мактаб эндиликда фақат саводхона эмас. Ўқувчининг одоб-ахлоқи, дунёқараш, катталар ҳаётида кечаётган воқеа-ходисаларга, атроф-муҳитга муносабати, дунёни англай бошлаши айна шу йиллари шаклланади. Бу жараён қандай кечиши унга сабоқ бераётган устоз-мураббийларнинг педагогик маҳорати, ўз касбига бўлган муносабати, боғлиқ.

Таълим-тарбия бирини иккинчидан ажратиб бўлмай диган, бири иккинчисини тўлдирадиган соҳадир. Халқ орасида кенг тарқалган ривоятга қўра, бир киши олти ойлик чақалогини Абу Али ибн Синонинг олдида олиб келиб, "Боламинг тарбиясини қачон бошлаганимиз маъқул?", деб сўраганида, улуғ ҳаким: "Олти ойга кечиксиз", деган экан.

Бу пурмаъно жавоб замирида жуда катта маъно бор. Бошқа соҳаларда йўл қўйилган хато-камчиликларни тузатиш мумкин, аммо тарбияда бой берилган фурсатнинг ўрнини тўлдириш осон кечмайди.


Миллий фаровонлик, иқтисодий барқарорлик катта ҳаёт оstonасига қадам қўяётган ёшларнинг замонавий билимларни нечоғли чуқур эгаллагани, дунёқарашининг тўғри шаклланиши билан боғлиқ. Шу боисдан ҳам истиқлолимизнинг илк қадамларидан бошлаб, мамлакатимизда янги даврнинг янги авлодини тарбиялаш, улар дунёқарашини миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоя ва тамойиллари асосида шакллантириш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. "Таълим тўғрисида" ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлар мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашнинг янги истиқболли тизимини яратишга асос бўлди ва таълимга доир илғор, замонавий, халқимизга хос миллий-маънавий қадриятларга ҳамоҳанг усуллари топиш ва амалиётга жорий этиш йўллари кўрсатиб берди. Таълим тизимини ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида шакллантириш ва уни босқичма-босқич ривожлантириш, янги замонавий талабларга жавоб бера олдиган мураббийлар тайёрлаш ҳамда улар малакасини ошириш ишини ўтказилаётган демократик ислохотлардан қўзланган мақсад билан уйғунлаштириш, бу жараёнга юксак малакали, танлаган касбига садоқатли инсонларни жалб этиш йўлга қўйилди.

Ҳазрат Алишер Навоий айтмишлар:

Ҳақ йўлида ким санга бир харф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз зағис ила.

Ҳа, фидойи, жонқуяр ўқитувчиларимиз шу қадар эҳтиромга, иззат-икромга муносиб: уларнинг машаққатли меҳнатини баҳолашга дунё хазиналари камлик қилади. Биз бугун қўлимиз кўксимизда, уларни яна бир бор чин дилдан қўлаб қоламиз. Байрам муборак, азиз устозлар! Бахтимизга ҳамisha соғ-саломат бўлинг. Энг пинҳон орзуларингиз амалга ошин-у, шогирдларингиз орасидан Ватанимиз номини дунёга танитадиган, илм-фан, адабиёт, санъат, спорт осмонидан қуёшдай порлайдиган юлдузлар етишиб чиқисин!

Собир ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси,
педагогика фанлари доктори



Улкан ютуқлар деб очаси

Давом. Боши 1-бетда

Сўзимизга далил тариқасида яқиндагина Лондонда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларини ёдга олайлик. Ахир ҳамюртимиз Артур Таймазов Афина, Пекиндан кейин Буюк Британия пойтахтида учинчи марта Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлганлиги санокли сониялар ичида бутун дунёга маълум ва машҳур бўлди-ку!

Яна бир эътиборли ҳолат. Истиқлол йилларида спортчиларимиз ёзги Олимпиада ўйинларида жами 19 та медални қўлга киритишган бўлишса, шундан 8 таси эркин ва юнон-рум кураши усталарига тегишлидир. Мана шу ҳолат ҳам яна бир бор оққан дарё оқмай қолмаслигини кўрсатаётгандай.

Шундай бир шариоитда Президентимизнинг "Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган Олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилиниши айна муддао бўлди. Бугун курашга кириб келаётган ёш ўғил-қизларимиз эртанги чемпионларимиздир. Қарор спортнинг мазкур турларини янада ривожлантириш омили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, Қарорда, юртимизда кучли мактабга эга бўлган, халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришилган спорт курашларини

Олимпия спорт турларидан бири сифатида янада кенг ривожлантириш, иқтидорли ёшларни эркин ва юнон-рум кураши билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда мураббийларнинг салоҳиятини ошириш, мамлакатимиз терма жамоаси учун ишончли захирани шакллантириш борасида зарур шарт-шароит ва чора-тадбирлар белгилаб берилган. Қарорда белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш эса юртимизнинг спорт соҳасидаги нуфузи янада юксакликка кўтарилишига хизмат қилади.

Шубҳасиз, жисмонан соғлом, маънавий юксак, Ватан шайини улуғлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, буюк келажгимиз бунёдкорлари бўлган баркамол авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келаётган "Адолат" СДП "Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган Олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Шу билан биргаликда бу Қарор зиммасига масъулият ҳам юқлайди.

Тошпулат МАТИБАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутати

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими кенгаймоқда

Солиқ ва ҳаёт

Мамлакатимизда пластик карточкаларни ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳимоя қилишнинг самарали механизми яратилиши борасида аниқ чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бу ҳол пул муомаласи тизimini такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришнинг рағбатлантириш, банкдан ташқари нақд пул айланишини қисқартиришга, аниққас, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда илғор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини тобора ошириши таъминлаётган.

Бу борада Янгийўл тумани Давлат солиқ инспекциясининг "Назорат тартибидеги ва қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш" шўъбаси ҳодимлари томонидан қисқа муддатли текширишлар ўтказилганда, банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиш шарт бўлсада 26 та ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан терминал аппаратури ўрнатилмагани аниқлан-

ди. Туман ҳудудида фаолият юритаётган 513 та ҳўжалик юритувчи субъектларга терминал аппаратури ўрнатилиши лозим бўлсада, мазкур кўрсаткич туман тижорат банклари томонидан 505 та, яъни 98,4 фоизга таъминланган. Шу боис солиқ инспекцияси туман ҳудудида фаолият юритаётган ҳўжалик юритувчи субъектларга тумандаги тижорат банкларини томонидан терминал аппаратури билан жиҳозланиши бўйича тақдимномалар киритилди. Бундан қўзда тутилган мақсад тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини жалб этишни рағбатлантириш ҳамда пул маблағларини банк айланишга йўналтириш, пировардида, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизimini кенгайтиришдир.

Шерзод ШУКУРОВ,
Янгийўл тумани ДСИ "НТ ва КМТТЭ" шўъба бошлиғи

Масофали таълим — тежамкорлик демак

Сир эмаски, таълим соҳасидаги янги инновацион технология ва услублар самарадорлиги янги технологиялар ёрдамида ўқитилиши туфайли оммалошиб бормоқда. Тингловчилар сони ҳам кундан-кунга ошмоқда.



Таълим сифатини ошириш ва ўқитиш услубларини кенгайтириш мақсадида Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув марказида биринчи мартаба вазирлиқнинг учта вилоят бошқармалари билан тўғридан-тўғри видеоконференция алоқа ўрнатиш имконини берувчи ускуна ишга туширилди. Бундан бўёнга Хоразм, Самарқанд ва Андижон вилоятларининг молиявий мутахассислари инновацион технологиялар туфайли ҳудуддан чиқмаган ҳолда ўз малакаларини ошириш имкониятини қўлга киритдилар. Чунки ил-

гарилари малака ошириш курслари Тошкентда амалга оширилгани сабабли иш ва ўқиш ўртасида узилиш юзга келарди.

БМТнинг Тараққиёт дастури ва Молия вазирлигининг қўшма «Ўзбекистондаги бюджет тизимида ислохотлар» лойиҳаси доирасида сотиб олинган POLYCOM HDX видео-конференция алоқа тизими масофали таълим элементларини Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳодимларига босқичма-босқич қўллаш имконини беради. Эътиборлиси шундаки, янги алоқа тизими нафақат республикамиз шаҳарлари, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам онлайн алоқа ўрнатиш имкониятини беради. Бу, ўз навбатида, ортқча харажатларсиз техник кўмак учун юқори малакали халқаро экспертларни жалб этишга ёрдам беради.

Фархунда ЯХЎЕВА



— Ёш авлод тарбияси ва устоз шогирдлик аъёнлари — жамиятда ҳамisha қарор топган таомиллардан бири, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши раиси Нурмат Ёшметов. — Зеро, катта ҳаёт оstonасига илк бор одимлаётган ҳар бир ёш йигит-қиз борки,

замонавий билимларни нечоғли чуқур эгаллаш, дунёқарашининг шаклланиб боришида устоз ва мураббийларнинг фидойилиги, жонқуярлигига боғлиқ. Пировардида, мамлакатда ҳар тарафлама салоҳиятли кадрлар етишиб чиқиши таъминлайди ва улар шаксиз тақдиримиз, бах-

тимиз бўлган озод ва эркин Ватанимизда миллий фаровонлик ҳамда иқтисодий барқарорликка хизмат қилади.

Суратда: катта ҳаётий тажрибага эга устоз ва мураббий Н. Ёшметов ўз шогирдлари билан мулоқотда.

"Сирғалимаҳсуране" қорхонаси томонидан Сирғали-5 даҳаси, "Ўзғариш" маҳалласи нозир М.Полвоновага берилган №915 рақамли нишон йўқолгани сабабли ҳақиқий эмас деб топилсин.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

*Барчамиз улуғ қадрли
бўлган, қалб қўри, дил меҳри
ила ёшларга қунт билан
билим бераётган*

*Ўқитувчи ва
мураббийларни анъанавий
касб байрамлари билан
самимий муқоракбод этади!*

*Озод ва обод юртимиз
истикболи йўлидаги
ишларида муваффақиятлар
пилайди.*

**Барча орзу
ниятларингиз амалга
ошишига тилакдошимиз,
азиз устозлар!**

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!





Фарфона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси



Озод ва ҳур, келажаги
буюк, истиқболи порлоқ
юртимизнинг барча фидойи ва
заҳматкаш ўқитувчиларини,
устозу мураббийларини
қувончли шодиёна —

**Ўқитувчи ва
мураббийлар куни билан
қизғин қутлайди.**

Сиз азиз устозларга келажагимиз
эгалари — ёш авлодни ҳар томонлама
етук ва баркамол инсонлар этиб
тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли
ишларингизда улкан ютуқлар тилайди.
Хонадонингиз тинч, ҳаётингиз
ҳамиша фаровон бўлсин!

